O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 18 август шанба

Сотувда эркин нархда

№ 164 (2726)

# МЎЪЖИЗАНИНГ БУНЁДКОРИ — ХАЛҚИМИЗ



**... Мустақиллигимизнинг бешинчи йили — 1996 йилнинг 19 июли эди ўшанда. Асака шаҳрида Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган воқеа содир бўлди: замонавий автомобиль заводи — “ЎзДЭУавто” қўшма корхонаси ишга туширилди. Ўшанда Андижоннинг тиниқ осмонида қуёш порлаб турарди. Бугун ҳам саратоннинг чароғон қуёши кўчаларни тўлдириб бораётган машиналарнинг ойналарида жилва қилади. Фақат бир манзарада буюк бир ўзгариш бор. Ўша йиллари тасаввур қилиш қийин бўлган манзара: бугун Асака кўчаларида юрган машиналарнинг деярли барчаси Мустақил Ўзбекистон, озод ўзбек мўъжизаси — “Нексия”, “Тико”, “Дамас”лардир!**

Завод қурилиши бошланганида кўпларга ўзбекларнинг бу иши “хомхаёл” бўлиб туюлган эди. Лекин корхонада ишлаб чиқарилган мазкур машиналар қисқа фурсатда бундай шубҳаю гумонларни пучга чиқарди. “ЎзДЭУавто” маҳсулотлари дарҳол харидорлар эътиборига тушди. Жаҳон бозорида эътироф топди. Ишлаб чиқарилган ҳар бешта машинанинг бири экспорт қилинаётгани ҳам шундан! Завод конвейеридан чиққан икки юз эллик мингдан зиёд автомашинанинг эллик бир минги бугун хорижий мамлакатлар кўчаларида елиб юрибди.

Мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ёрқин натижаларидан бири бўлган “ЎзДЭУавто”нинг фаолият доираси янада кенгаймоқда. Унда янги русумдаги машиналар тайёрлаш йўлга қўйилаётгани бунинг бир исботидир.

17 август куни мазкур заводда “Матиз” русумли янги автомобилнинг халқаро тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Маросимда тегишли вазирлик ва идоралар, уюшмалар, концернлар раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган элчихоналар, хорижий компанияларнинг ваколатхоналари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари, Корея Республикаси, АҚШ, Буюк Британия, Италия ва бошқа давлатларнинг делегациялари иштирок этди.

Маросимни Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидов очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз саноатининг фахри бўлган “ЎзДЭУавто” заводи конвейеридан яна бир замонавий янги машина чиқа бошлагани, бундай тарихий воқеанинг эса барчамиз учун энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг ўн йиллигини нишонлаш арафасида бўлиб ўтаётгани муносабати билан ватандошларимизни, меҳмонларни қизғин муборакбод этди.

Бугунги воқеанинг маъно-мазмунига тўғри баҳо берадиган бўлсак — бу воқеа, аввалaмбор, юртимизда тинчлик ва осуда ҳаёт ҳукм сураётганининг исботидир, деди Юртбошимиз. Мамлакатимизда ўнлаб-юзлаб янги корхоналарнинг ишга туширилаётгани, янги технологияларнинг ўзлаштирилиши, юртимизга чет эл инвестицияларининг кириб келиши ҳамкорларимизнинг бизга бераётган кўмаги, ёрдами натижасидир. Бу ҳақиқатни Корея давлати, Корея капитали, кореялик шерикларимиз билан ҳамкорлигимиз самарасида яққол кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).



**СУРАТЛАРДА: Тақдимот маросимидан лавҳалар.**

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АСАКА ШАҲРИДАГИ «ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ ЯНГИ ЛИНИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун юртимизда қувончли кун.

Бугун мамлакатимизнинг ғурури ва ифтихори, саноатимизнинг етакчи корхонаси бўлмиш “ЎзДЭУавто” заводи конвейеридан замон талабларига ва халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама қулай, ихчам, илғор дизайн ва техник афзалликлари билан ажралиб турадиган янги русумдаги “Матиз” енгил машиналари чиқа бошлайди.

Барчамиз учун энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг ўн йиллигини нишонлаш арафасида бўлиб ўтаётган мана шундай тарихий воқеа билан сиз, азиз ватандошларимни ва бугунги маросимда қатнашаётган қадрли меҳмонларимизни чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Азиз юртдошлар!

Ҳаммамизга маълумки, бундан беш йил муқаддам кореялик ҳамкорларимиз билан биргаликда гўзал ва саховатли Андижон заминида биз учун мутлақо янги тармоқ бўлган Ўзбекистон автомобиль саноатига асос солиб, мана шу улкан қўшма корхонани ишга туширган эдик.

Ўша пайтда бундай улкан лойиҳанинг устида ишлаётганимизда узоқ ва яқин қўшниларимиз, хориждаги ва ўзимиздаги айрим гуруҳ ва одамларда: “Нима, Ўзбекистон жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарадиган тараққий топган йигирма саккиз давлат қаторидан жой олиши мумкинми?” деган шубҳа-гумон, ишончсизлик пайдо бўлгани, улар бу ҳақда зарда ва истеҳзо билан гапирганлари ҳеч кимга сир эмас.

Албатта, “ЎзДЭУавто” каби йирик ишлаб чиқариш корхонасини барпо этиш, ички бозоримизни тўлдирадиган ва экспортга мўлжалланган замонавий енгил машиналарни ишлаб чиқариш, бу йўлда учрайдиган муаммоларни ҳал қилиш нақадар оғир ва мураккаб иш эканини ҳаммамиз ўз ҳаётий тажрибамизда яхши англаб олдик.

Лекин, шундай қийинчиликларга қарамасдан, корхона босиб ўтган беш йиллик қисқа тарихи давомида ўзининг мустаҳкам пойдеворини яратиб, шу вақт ичида 250 минг автомобиль чиқаргани, дунё бозоридаги мавжуд кучли рақобат шароитида 51 минг енгил машинани экспорт қилгани, айниқса, эътиборга моликдир.

Завод фаолиятини локализация қилиш, яъни маҳаллийлаштириш мақсадида бу улкан саноат комплекси буюртмаларини бажарадиган ўттизга яқин янги корхона ва ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилгани, минглаб янги иш ўринлари очилгани, бошқача айтганда, мамлакатимизда автомобилсозлик билан боғлиқ мутлақо янги тармоқ, бутун бир инфратузилма яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Энг муҳими, қисқа вақт мобайнида ўз ҳаётини мана шу завод билан боғлаб, нафақат ўз манфаат ва даромадини, балки бахт-саодатини ҳам шу ерда топаётган ўзбек автомобилсозларининг бутун бир авлоди шаклланиб келаётгани мени айниқса қувонтиради, кўнглимни янги-янги орзу-умидларга тўлдиради.

Менга катта мамнуният, катта қувонч бахш этаётган яна бир нарса шуки, бу заводни қуриш учун айнан Андижон заминини, қадимий Асака шаҳрини танлаганимиз, бамисоли узукка кўз қўйгандек иш бўлганини, замон, вақтнинг ўзи бу қарорнинг нақадар тўғри эканини тасдиқлаб турибди.

Бунинг натижасида нафақат Асака, балки бутун Андижон қиёфаси тубдан ўзгариб кетгани, бу замонавий корхона одамларимизнинг тафаккурига, бутун вужудига ижобий таъсир этиб, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини уйғотиб юборгани биз учун алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Андижоннинг мўътабар заминида мана шундай мўъжиза каби ноёб корхонани барпо этишда қатнашган, янги ишлаб чиқариш конвейерларини ишга туширишда, юксак янги технологияларни ўзлаштиришда фаол иштирок этган, заводнинг катта-кичик цехларида астойдил меҳнат қилаётган сиз — азизларга, барча қурувчи ва монтажчиларга, муҳандис ва мутахассисларга, ишчи ва хизматчиларга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни, чексиз ҳурматимни билдириш мен учун катта бахтдир.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида

**Талабаларнинг касб билимларини чуқур эгаллашларини рағбатлантириш ва ўзлаштиришини ошириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, олий ўқув юртларида стипендия тайинлаш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2001 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг кундузги шаклида таълим олаётган олий ўқув юртларининг барча талабаларини (хорижий мамлакатлар талабаларидан ташқари) стипендия билан таъминлаш жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, олий ўқув юртларига эга бўлган бошқа вазирликлар ва идоралар тўлов-контракт шаклида ўқитишнинг қиймати миқдорига ҳар ойда тўланадиган стипендия миқдорини албатта киритсинлар.

2. 2001 йил 1 сентябрдан бошлаб олий ўқув юртлари талабалари учун стипендияларнинг базавий миқдорлари белгилансин, талабаларнинг ўзлаштиришига қараб стипендияларга қуйидаги табақалаштирилган коэффициентлар жорий этилсин:

рейтинг бўйича энг юқори баллар (86-100 балл) - 1,0;

рейтинг бўйича юқори баллар (71-85 балл) - 0,75;

рейтинг бўйича ўртача баллар (55-70 балл) - 0,5.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва Беруний, Ибн Сино, Навоий ва Улуғбек номидаги Давлат стипендиялари олувчи талабаларга стипендиялар тайинлаш ва тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда:

олий ўқув юртлари талабалари учун 2001/2002 ўқув йилида ўқиш қийматининг янги миқдорларини;

таълим муассасаларида стипендия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Мазкур қарорнинг амал қилиши Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2001 йил 12 июндаги 253-сон қарорининг 2-бандининг тўртинчи хатбошида кўрсатилган ўқув юртлари ўқувчиларига жорий этилсин, бунда ўқувчилар ва талабалар стипендиялари миқдорларининг илгари амалда бўлган нисбати сақлаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли таълим муассасаларининг 2001 йил учун харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 17 август.

*Олий Мажлисда*

## МУАММОЛАР ЕЧИМИ

### *амалий ҳаракатларга боғлиқ*

**Кеча Олий Мажлисда Ижтимоий масалалар ва бандлик, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Ёшлар ишлари қўмиталари ҳамда Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ўн йил мобайнида амалга оширилган ишлар, қўмиталар ва комиссия фаолияти, парламентнинг бўлажак олтинчи сессиясига тайёргарлик ҳақида сўз юритилди.**

**Қўмиталар ва комиссия раислари Машкура Сафаева, Нарзулла Жўраев, Азамат Зиё ва Шарифа Салимова журналистлар саволларига жавоб беришди.**

Саволларнинг аксар қисми жойлардаги муаммолар ечимини топиш борасида депутатлар ва қўмиталар қай даражада фаолият кўрсатаётганлигига қаратилди.

Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси инсон омилини қўллаб-қувватлашдек масалага доимий эътибор бериб келаяпти. Қўмита томонидан бу борада бир неча қонунлар тайёрланди. Улар орасида аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИТВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги, «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги, «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар айниқса аҳамиятлидир.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ўзининг асосий фаолиятини икки йўналишда олиб борди. Биринчидан, қўмита қонунчилик фаолияти билан бевосита шуғулланди, иккинчидан, амалдаги қонунлар ижросини назорат-таҳлил қилди. 1995-2001 йиллар мобайнида қўмита томонидан 30 га яқин қонун тайёрланди.

Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ даврида ташкил этилган Ёшлар ишлари қўмитаси ҳамда Оила ва аёллар муаммолари комиссияси томонидан ҳам қонун ижодкорлиги билан биргаликда бир қанча илмий-амалий тадбирлар ўтказилди. Улар асосий эътиборни аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, экология, ёшлар тарбияси, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш каби масалаларга қаратишмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига қўмита ва комиссия аъзолари билан биргаликда тегишли идоралар вакиллари ҳам жавоб қайтаришди.

**Ўз мухбиримиз.**

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг Олий Мажлисда бўлиб ўтган ўнинчи анжумани «Мустақилликнинг ҳуқуқий асослари» мавзуига бағишланди. ФМДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси, Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг депутатлар блоки, Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти унинг ташкилотчилари бўлишди.

Кичик анжуманни ФМДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби, фракция раҳбари Ахтам Турсунов олиб борди.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, блок раҳбари Акмал Саидов ва ФМДП Марказий Кенгаши, фракция раҳбари ҳузуридаги ҳуқуқий масалалар бўйича экспертлар комиссиясининг раиси Бобоқул Тошев кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилди.

Кичик анжуманни ўтказишдан мақсад Президент Ислом Каримовнинг асарлари ва маърузалари асосида Ўзбекистон мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини, ўтган ўн йил мобайнида қилинган ишларни таҳлил қилиш, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотларнинг бу соҳадаги ролини ошириш борасида аниқ таклифлар тайёрлаш эди. Айтиш мумкинки, анжуман ўз олдига қўйган вазифани бажарди. Унда кўплаб таклиф-мулоҳазалар илгари сурилди. Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий асослари аниқ мисолларда кўрсатиб берилди.

Кичик анжуманда ФМДПнинг Олий Мажлисдаги фракциясининг сессияга тайёргарлиги хусусида ҳам сўз борди. Жумладан, депутатлар ўз округларидаги маҳалла ва ташкилотларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишмоқда, фракция ҳузуридаги иқтисодий ва ҳуқуқий масала бўйича тузилган эксперт гуруҳи аъзолари сессия кун тартибидаги масалаларга доир хулосаларини фракция раҳбариятига мунтазам тақдим этмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

## «Ўзқишлоқхўжаликкимё» бошқаруви йиғилиши

“Ўзқишлоқхўжаликкимё” давлат акционерлик компанияси бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда компаниянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва туманлараро бўлинмалари раҳбарлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Макроиқтисодиёт ва статистика, Молия вазирликлари, Марказий банк ва тижорат банклари, шунингдек, “Ўзкимёсаноат” компанияси раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида қишлоқ хўжалик корхоналарига минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва етказиб беришни ҳисобга олиш ҳамда ўзаро ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш масаласи муҳокама этилди. Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари М.Жумагелдиев, “Пахтабанк” раиси Қ.Тошматов, Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғи Б.Бойкунусов чиқишларида “Ўзқишлоқхўжаликкимё” компанияси бўлинмалари томонидан минерал ўғитлар етказиб беришда ҳисобга олиш ва ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича кўплаб камчиликлар борлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

*«Ватан ягонадир — Ватан биттадир» танловига*

***Руҳ баланд бўлса, ҳар қандай тоғни талқон қилиш мумкин.***

**Ислом КАРИМОВ.**

## ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ

### сиймосига чизгилар

Замона қаҳрамони — азалий ва абадий мавзу. Ҳар бир давр ўз қаҳрамонларини кутади, излайди, топади. Шунинг учун 20-30-йилларнинг, 60-йилларнинг, 70-80-йилларнинг қаҳрамонларидан бизнинг бугунги, мустақиллик даври қаҳрамонлари тубдан фарқ қилади. Чунки замонамизнинг ўзи тубдан фарқ қилади-да.

АҚШ мультфильмлари, бадиий фильмларини кўп кўргансиз. Бир эсланг, бири биридан қизиқ детектив вазиятлар занжиридан иборат фильмлар. Уларда бош қаҳрамон — ҳар қандай вазиятда, дунёнинг исталган нуқтасида, ўта қийин ҳолатларда ҳам заррача тушкунликка тушмай енгиб ўтувчи, фаол, топқир, билимдон, энг муҳими, кучли характерга эга Шахс — америкалик бўлиб чиқади. Бундан замона қаҳрамонини бевосита эмас, билвосита тарғиб қилиш АҚШнинг ҳам ички, ҳам ташқи тарғиботида пухта йўлга қўйилганлигини дарров тушунасиз.

Ўзбекистонда «замона қаҳрамони» деганда ким тушунилади? Ўзбекистонда «ҳозир ва шу ерда»ги қаҳрамонни «таниш» унинг исм-шарифини аташ учун ёнимизда бирга яшаб, бирга ишлаётган кишиларга — кексаю ёш, эркагу аёл ватандошларимизга замонанинг «ҳозир ва шу ердаги» талаблари назаридан қарамоқ керак. Бу талаблар кўпроқ ва аниқроқ айтилиши, ёзилиши, кўрсатилиши керак. Ана шундай талаблардан бири — миллат шарафига хизмат қилиш.

(Давоми 3-бетда).

# МЎЪЖИЗАНИНГ БУНЁДКОРИ — ХАЛҚИМИЗ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АСАКА ШАҲРИДАГИ «ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ ЯНГИ ЛИНИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана, бугун ўзининг бетакрор қиёфаси, шаклу шамойили билан, кучқудрати ва замонавий илғор технологияси билан ўзгаларнинг ҳавасини келтираётган “ЎзДЭУавто” корхонасининг қисқа бир вақт — бир ярим йилда барпо этилган янги линиясидан “Матиз” деб ном олган, ҳар томонлама замонавий, харидорбоп енгил машиналар чиқа бошлаши — шунинг ўзиёқ бу ишлаб чиқариш корхонасининг истиқболи ва келажаги нақадар мустаҳкам ва ёруғ эканининг далилидир.

Бугунги воқеанинг маъно-мазмунига тўғри баҳо берадиган бўлсак, бу воқеа, авваламбор, юртимизда тинчлик ва осуда ҳаёт ҳукм сураётганининг исботидир.

Бугунги воқеа Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган, тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, улар эришган фаровон, эркин ва озод ҳаёт даражасига етиш, ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшаш учун қўяётган дастлабки қадамлари, буюк мақсадлар сари қатъият билан бораётганимизнинг амалий тасдиғидир.

Бугунги эришган ёрқин ютуқларимизнинг асосий шарти ва гаровини барчамиз бизга, Ўзбекистонимизга, танлаган тараққиёт ва ислоҳотлар дастуримизга хорижий давлатлар, чет эл сармоядорларининг тобора ортиб бораётган ишончи ва умиди самараси, деб қабул қилишимизни истар эдим.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор равишда тобора кучайиб бораётгани, унинг шиддат ва ишончли қадамлар билан ривож топаётгани, янги технологияларнинг ўзлаштирилиши, мамлакатимизда ўнлаб-юзлаб янги замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани — буларнинг барчаси, биринчи навбатда, юртимизга чет эл инвестицияларининг кириб келиши, ҳамкорларимизнинг бизга бераётган кўмаги, ёрдами натижасидир.

Бу ҳақиқатни Корея давлати, Корея капитали, кореялик шерикларимиз билан ҳамкорлигимиз самарасида яққол кўриш мумкин.

Мана шундай замонавий “Нексия”, “Дамас”, “Тико”лар, бугунги “Матиз” русумли автомобилларни ишлаб чиқарадиган, дунёнинг барча ҳудудларида обрў қозонган улкан заводнинг — бутун бошли бир мажмуанинг пайдо бўлиши, бу ҳеч кимга сир эмас — аввало, кореялик ҳамкорларимиз билан, “ДЭУ” корпорацияси билан бошлаган ва амалга оширган катта лойиҳанинг ҳосилидир.

Корея раҳбарияти, Корея банклари, Корея бизнес аҳлининг бизга, Ўзбекистонимизга билдирган ишончи натижасидир.

Мен фурсатдан фойдаланиб, аввало, бугунги маросимда иштирок этаётган Корея Республикаси Савдо вазири жаноб Ду Юн Хванг, “ДЭУ Мотор” компанияси президенти Жонг Дэ Ли, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, жаноб Чанг Хун ва бошқа азиз дўстларимизга, олис Кореядан келиб, биз билан елкадош бўлиб меҳнат қилган, қувончу ташвишларимизга ҳамма вақт шерик бўлган барча корейс мутахассисларига ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Биз муҳтарам меҳмонларимиздан Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Жунг жанобларига, бутун корейс халқига самимий салом ва табрикларимизни етказишни илтимос қиламиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳар биримиз учун қадрли бўлган истиқлол айёми арафасида янги-янги бино ва иншоотлар, равон йўллар, боғ ва хиёбонларнинг ишга туширилиши қутлуғ анъанага айланиб бормоқда.

Бугун бепоён юртимизнинг қайси шаҳар, қайси қишлоғига қадам қўймайлик, кўплаб ана шундай мустақиллик иншоотлари бунёд этилганига гувоҳ бўламиз. Улар давлатимиз иқтисодий қудратини, халқимиз фаровонлиги ва маънавиятини янада оширишга хизмат қилиши муқаррар.

Ишончим комилки, она Ватанимиз тарихига заррҳал ҳарфлар билан ёзиладиган бундай улуғвор ишларнинг бевосита иштирокчиси бўлиш, таъбир жоиз бўлса, келажагимиз пойдеворини яратишга ўз ҳиссасини қўшиш ҳар биримиз учун улкан шараф, улкан бахтдир.

Барчангизга ана шу эзгу мақсад йўлида сиҳат-саломатлик, ғайрат-шижоат тилайман. Хонадонларингиздан тинчлик-омонлик, файзу барака аримасин, омад доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юқори технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқариш тармоғининг ривожланиши илғор техника ва технологияларнинг тилини биладиган, замонавий ишлаб чиқариш усулларини пухта ўзлаштирган муҳандис ва ишчилар, малакали мутахассисларга боғлиқ. Уларсиз бундай корхонани қуриш ҳам, ишлатиш ҳам мумкин бўлмасди. Заводда янги русумдаги машиналарнинг ўзлаштирилаётгани мамлакатимиз салоҳиятининг ошиб бораётганидан далолатдир.

Ўтган беш йил давомида заводда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Завод иш бошлаган кезларда бу ерда юзга яқин кореялик мутахассис ишлаган бўлса, эндиликда улардан беш нафари қолган, холос. Ҳозир бу ерда Жанубий Кореядаги корхоналарда малака оширган, ҳар қандай мураккаб машина ва механизмларни ҳам бошқаришни ўрганган ўзбек ишчилари, технологиянинг соатдек аниқ ишлашига масъул муҳандислар ишламоқда.

Эҳтиёт қисмлар тайёрлашни маҳаллийлаштириш борасида режали олиб борилган ишлар тез орада натижасини кўрсатди. “ЎзТонгхонг”, ЎзКорамКо”, “ЎзДонгЯнгКо”, “ЎзДонгжуПейнт”, “ЎзСемЮнко”, “ЎзДонгБонгко” каби қўшма корхоналарда юксак сифатли бутловчи қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Мазкур қўшма корхоналарда бамперлар, ўтирғичлар, шовқин пасайтиргич, электр кабеллари, автомобиль бўёқлари тайёрланмоқда. Уларда юзлаб ўзбек ёшлари малакали иш билан таъминланган. Яқинда Жиззахда ишга тушириладиган “ЎзЭксайд” қўшма корхонасида эса машиналаримиз учун аккумуляторлар тайёрланади.

Маҳсулот сифатини ошириш, технологияни ривожлантириш, лойиҳалаштириш ишларини жадаллаштириш борасидаги ишлар эса заводнинг экспорт салоҳиятини янада кўтаришга хизмат қилмоқда. Хусусан, “ЎзДЭУавто” машиналарини ривожланган Ғарб давлатларида сотишга имкон берадиган халқаро ISO 9001 сертификати олинди. Таъкидламоқ керакки, “ЎзДЭУавто” МДҲ давлатларидаги турдош корхоналар орасида бундай халқаро ҳужжатга эга бўлган ягона заводдир. Шу маҳалгача Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар МДҲ ҳамда Болтиқбўйи давлатларигагина экспорт қилинар эди. Энди эса Буюк Британиянинг “МЕКС Коммодитис” компанияси билан ҳамкорликда “ЎзДЭУавто” маҳсулотларини Европа, хусусан, Буюк Британия бозорларига чиқариш борасида қизғин иш олиб борилмоқда. Британиялик ҳамкорлар келаси йили 6 мингтача машина сотиб олишни режалаштирган. 2003 йилга бориб эса ўзбек машиналарининг Буюк Британияга экспорти 30 мингтага етказилади. Табиийки, инглиз импортчилари “Матиз” машиналарига ҳам катта умид боғлаб турибди.

“Матиз” ишлаб чиқаришни Ўзбекистонда йўлга қўйиш Асакадаги заводнинг юксак сифат билан ишлаётганлиги туфайлигина мумкин бўлди. Жанубий Кореянинг Экспорт-импорт банки ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳа йилига олтмиш мингта “Матиз” ишлаб чиқариш имконини беради. Жорий йил охиригача эса етти мингта шундай машина тайёрланади. Янги машинанинг салони “Тико”никидан бироз кенг, қуввати ортиқ, бурилиш бурчаги юқори, ёнилғини кам сарфлайди. Ҳар қандай шароит ва иқлимга бардошли “Матиз”ни бошқариш осон, ташқи кўриниши эса жуда чиройли.

Энг муҳими, “Матиз”ни ишлаб чиқаришни бошлаш билан Ўзбекистон автомобилсозлик саноати технологик мустақиллик босқичига қадам қўйди.

Айни вақтда “ЎзДЭУавто”да харидорлар меҳрини қозонган “Нексия”нинг такомиллаштирилган варианти — “Нексия-2”ни конвейерга қўйиш борасидаги ишлар давом этмоқда.

Бундан ташқари, “ДЭУ Мотор” компанияси билан мутлақо янги машина ишлаб чиқариш лойиҳаси борасида ҳам келишувга эришилди. Шартли равишда “Т-200” деб номланаётган янги автомобилни 2003 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Халқаро тақдимот маросимида сўзга чиққан Корея Республикаси делегацияси раҳбари, савдо вазири жаноб Ду Юн Хванг ва “ДЭУ Мотор” компаниясининг президенти Жонг Дэ Ли “ЎзДЭУавто”нинг қурилиб ишга туширилиши ва муваффақиятли фаолияти мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин бир нишонаси эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қўшма корхона цехларида бўлиб, янги машинанинг яратилиш жараёни билан танишди. Конвейердан чиққан биринчи “Матиз”нинг капотига эсдалик учун имзо чекди. Энди бу машина ҳам Президентимиз дастхати битилган бошқа “қардошлари” — “Нексия”, “Тико” ва “Дамас” каби завод музейидан жой олади.

**Мусулмон НАМОЗ,**
**ЎзА мухбири.**

*Олий Мажлис сессияси олдидан*

# ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

**Қўмитамиз ўтган сессиядан кейинги даврда мамлакатимизнинг аграр секторида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилиш устида иш олиб борди.**

Маълумки, қабул қилинган қонунлар асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида янги шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар вужудга келди. Қисқа қилиб айтганда, соҳада хўжалик юритиш шакллари ва ер муносабатлари изчиллик билан бозор механизмига мослаштирилмоқда. Айни пайтда сув муаммолари ўз ечимини топмоқда. Бироқ ҳозирги пайтда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги (1993 йил 6 май) Қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари жуда мураккаб ва шу билан бирга яхши тартибга солинган бу тизимнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Янги Ер кодексининг амалга киритилганига уч йил бўлди, лекин ер билан чамбарчас боғлиқ бўлган сув муносабатлари эса эски қонун билан тартибга солинмоқда.

Сув соҳасидаги бундай аҳвол қонун чиқарувчи, яъни парламентнинг назардан четда қолиши мумкин эмас. Шу боис Олий Мажлис режасига сув тўғрисидаги янги қонунни кўриб чиқиш киритилган. Унга биноан бизнинг қўмита сув тўғрисидаги янги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш ишларини ташкил этди. Тузилган ишчи гуруҳга таниқли олимлар, мутахассислар, юристлар ва амалиётчилар жалб этилди. Ҳозир янги сув қонуни лойиҳасининг бир муқобили тайёрланди. У ваколатли давлат органларига кўриб чиқиш учун тақдим этилган. Ҳозир лойиҳани яна қайта ишлаш ва ишчи гуруҳи фикрларини тегишли идоралар таклифлари билан уйғунлаштириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Қўмитамизнинг бу борада олиб борган яна бир фаолияти «Тупроқ унумдорлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида ташкилий ишларни амалга ошириш бўлди. Ушбу лойиҳани кўриб чиқиш ҳам Олий Мажлис режасида кўзда тутилган. Тупроқ сифати ёмонлашиб бораётгани ва оқибатда экинлар ҳосилдорлиги камайиб кетаётганлиги бундай қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини тақозо этмоқда. Бундан ташқари, Ер кодексининг ҳолати ва чет элларда тупроқ унумдорлигини оширишни қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш тажрибаси ҳам бундай қонунни қабул қилиш заруриятига асос бўлади. Шу боис гуруҳ аъзолари томонидан «Тупроқ унумдорлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг бир неча муқобили тайёрланган. Қўмитамиз бир қанча идоралар ва илмий муассаса ходимлари манфаатларини уйғунлаштириш йўлида гуруҳга амалий ёрдам бермоқда.

Ўтган давр мобайнида қўмитада Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларнинг ижросини ўрганиш ва назорат-таҳлил қилиш йўналиши бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, Амударё ҳавзасидаги вилоятларда ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши кўриб чиқилди. Муҳокама пайтида маълум бўлдики, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида юқоридаги Қонунни ижро этишда айрим камчиликлар ва хатоларга йўл қўйилмоқда.

Масалан, 1999-2000 йилларда Амударё сув ҳавзасида кузги-қишки даврда сувдан фойдаланиш лимити 8293 миллион куб метр қилиб белгиланиб, амалда 8982,5 миллион куб метр сув ишлатилган. 2000 йилда суғориш даври учун 25289 миллион куб метр сув лимити белгиланиб, 16734 миллион куб метр сув истеъмолчиларга етказиб берилган. Бу шундан дарак берадики, кузги-қишки давр учун сув белгиланганидан кўп олиниб, айни суғориш даврида танқислик вужудга келган.

Бундан ташқари, бу вилоятларда сув билан таъминланишда баъзан номутаносибликлар вужудга келган. Қорақалпоғистон Республикасида сув танқислиги натижасида 51 минг гектар майдонда шоли экилмай қолган. Хоразм вилоятида белгиланган сув тўлиқ олинмаганлиги туфайли экишга тайёрлаб қўйилган 20,5 минг гектар ерга экин экилмади, 61,3 минг гектар майдондаги қишлоқ хўжалик экинлари қуриб қолди.

Қўмита Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимликларига сувдан фойдаланишдаги хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича жиддий ишлашни тавсия этди. Қабул қилинган қарорда сувдан фойдаланишнинг замонавий усуллари ва технологиясини жорий этиш бўйича ишларни кучайтириш лозимлиги таъкидланган. Сув танқислиги шароитида каналлар ҳамда коллектор-дренажлар ҳолатини яхшилаш бўйича қўшимча имкониятлар ва маблағлар излаб топиш кўрсатилди. Ҳозирда ҳокимликларда ва сув хўжалиги органларида қўмита қарорида кўзда тутилган камчиликларни бартараф этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, қўмита яқинда «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуннинг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Самарқанд вилоятида ижро этилишини назорат-таҳлил тарзида кўриб чиқди.

**Йўлдош ЖЎРАЕВ,**
**Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раисининг ўринбосари.**

Тўйга тўёна ҳозирлаш халқимизнинг ўлмас удумларидан. Пойтахтимиздаги Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси ёпиқ ҳиссадорлик жамиятида ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига атаб бош кийимлар туркумини ишлаб чиқаришга киришилди.

**СУРАТЛАРДА: моҳир тикувчи Ноила Багаутдинова; тайёр бош кийимлардан намуналар.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**





# «Ўзқишлоқхўжаликкимё» бошқаруви йиғилиши

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, “Ўзқишлоқхўжаликкимё” компанияси бўлинмалари томонидан минерал ўғитларни ширкат ва жамоа хўжаликларига улар эҳтиёжига номувофиқ тарзда тарқатиш ҳоллари кенг тус олмоқда.

Хусусан, Арнасой туманидаги Зоҳидов номидаги хўжаликка жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида йиллик лимит бўйича 103 тонна ўрнига 275 тонна минерал ўғит берилган. Гурлан тумани хўжаликларига 1730 тонна, Сирдарё, Меҳнатобод, Гулистон ва Сайхунобод туманлари хўжаликларига 150 миллион сўмлик 1752 тонна минерал ўғит лимитдан ташқари берилган.

Пахта ва ғалла топшириш бўйича тайёрловчи корхоналар билан тўғридан-тўғри шартнома тузган фермер хўжаликлари минерал ўғитларни ширкат (жамоа) хўжаликлари орқали олиб, кейинчалик ҳақини тўламаслик каби нотўғри амалиёт кенг тарқалган. Бу эса молиявий ресурслар билан таъминланмаган ширкатларнинг кредиторлик қарзлари ўсишига олиб келмоқда. Фермер хўжаликларини ширкат ва жамоа хўжаликлари орқали фақат минерал ўғитлар билан таъминлаш ҳисобидан юқорида қайд этилган хўжаликларнинг дебиторлик қарзлари жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида асоссиз равишда 666 миллион сўмга ошган.

Натижада 2001 йилнинг 1 август ҳолатига кўра “Ўзқишлоқхўжаликкимё” компанияси бўлинмаларида дебиторлик қарзлари 27,8 миллиард сўм, кредиторлик қарзлари 25,9 миллиард сўмни ташкил этади. Биргина кимё саноати корхоналари олдидаги қарздорлик 14,2 миллиард сўмга тенг. Бу эса уларнинг айланма маблағлари қисқариши ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг камайишига олиб келди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқарилаётган ва етказиб берилаётган минерал ўғитлар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни тубдан такомиллаштиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Ширкат, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига белгиланган лимитлардан ташқари минерал ўғит етказиб бериш қатъиян ман қилинди. Шу билан бирга, мустақил фермер хўжаликларини ширкат хўжаликлари орқали минерал ўғитлар билан таъминлашни тақиқлаш тўғрисида ҳам қарор қабул қилиниб, минерал ўғитлар ажратиш ва улар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг белгиланган тартибига риоя қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ҳамда мансабдор шахслар масъулияти белгилаб олинди.

Минерал ўғитлар етказиб бериш ва улар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилишда йўл қўйилган камчиликлар учун “Ўзқишлоқхўжаликкимё” компаниясининг Боёвут, Марғилон туманлараро ва Қоровулбозор туман бўлинмалари раҳбарлари ўз вазифасидан озод этилгани, бир қанча вилоят ва туман бирлашмалари раҳбарлари эса йўл қўйилган камчиликлар қисқа муддатларда бартараф этилмаган тақдирда жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилгани маълумот учун қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Р.Азимов ва Т.Холтоев сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

Шу сонга хабар

# «Даштобод»ликлар музаффар бўлди

Сариосиё туманидаги «Даштобод» ширкат хўжалиги меҳнаткашлари жорий йилда 148 гектар майдонга чигит қадаб, агротехника қоидаларига амал қилган ҳолда парваришладилар. Давлатга пахта сотиш шартномавий режасини 7 иш кунида бажардилар. Ялпи хирмонни 515 тоннага, ҳосилдорликни 33 центнерга етказиб, республикамизда биринчилардан бўлиб маррага етиб келдилар.

Ҳали хўжалик далаларида ҳосил мўл. Музаффар пахтакорлар мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйига тўёна сифатида ҳосилдорликни 55 центнерга етказиш учун меҳнат қилмоқдалар.

**Ўз мухбиримиз.**

# Фермерлар қонун ҳимоясида

Наманган вилоят прокуратурасида «Фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги деҳқон ва фермер хўжаликлари бошлиқлари, тадбиркорларни техника, маъданли ўғит ва бошқа зарур воситалар билан таъминловчи ташкилотлар, молия, банк, солиқ идоралари раҳбарлари қатнашдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, вилоятдаги айрим идоралар масъул ходимларининг тўрачилиги ёки фермерларнинг қонунларни ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаслиги натижасида муаммолар келиб чиқмоқда. Мазкур масалалар юзасидан баъзи идораларнинг раҳбарлари ҳисобот бердилар. Семинар савол-жавоб ва очиқ мулоқот тарзида ўтганлиги боис муаммоларнинг кўпчилиги шу ернинг ўзидаёқ ечимини топди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Кеча ва бугун*

# ПОЙДЕВОР

Катта опам қураётган уй пойдеворининг чуқурлиги бир, эни 80 сантиметр қазилиб, ўнлаб машинада сой тошлари ташланиб, устидан цемент ва қум аталаси қуйилганда, беихтиёр кекса устадан сўраганим эсимда:

— Еримиз ўзи қуруқ-қаттиқ бўлса, шунча меҳнат қилиш зарурми? Бунинг устига яна бир метрга яқин устки пойдевор қўйилса...

— Мана, сени мўйловинг энди сабза ура бошлади, оққорани тушуниб қолдинг. Иморатнинг пойдевори қанча мустаҳкам бўлса, у шунча узоқ умр кўради. Бу уй, поччангнинг ўзи учунгина эмас, фарзандлари, невара-чевараларига ҳам насиб этиши учун қурилаяпти. Сени тушуниб турибман, ана бир қатор тош устига чорчўп қўйиб тикланган гувалак ва пахса деворли уйлар ҳам умр кўраяпти-ку, демоқчисан. Тўғри, бироқ қадимий шаҳарларимизда беш-ўн аср, ундан ҳам кўпроқ умр кўрган тарихий обидаларимиз нега ҳамон навқирондек қад кўтариб турибди? Чунки уларнинг пойдевори мустаҳкам, аждодларимиз, керак бўлса, уларнинг пойдеворини бўйи баробар қилиб мустаҳкам қуришган.

Қарийб бир аср умр кўрган ажойиб инсон, машҳур уста Қодир қори отанинг юқоридаги ўгитларини эсласам, йил сайин куч-қудратга тўлиб, жаҳонга танилаётган мустақил Ватанимиз — Ўзбекистон кўз олдимда намоён бўлади. Ҳа-да, мундоқ дўппини олиб қўйиб босиб ўтган ўн йиллик ҳаётимизни шунчаки бир кўз олдимизга келтирайлик-чи! Холисанилло айтсак, биз ўн йилда кўпчилик эътироф этаётгандай, етмиш йилда эришмаган ютуқларга эга бўлдик. Бунга, биринчи навбатда, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати туфайли эришдик, дея ҳақли равишда айта оламиз. Қоровулбозор нефть-газ мажмуаси, Хўжаикон туз кони, Қизилқум тоғ-кон комбинати каби юзлаб қудратли корхоналар, замонавий спорт иншоотлари, ўқув юртлари бунёд этилди. Жаҳоннинг кўпчилик мамлакатлари, ширкатлар, хусусий тадбиркорлар Ўзбекистонга юз буришди ва ўз сармояларини иқтисодиётимизни юксалтиришга ишонч билан қўймоқдалар. Ҳаво, темир йўл, автомобиль, шаҳар транспорти хизмати халқаро андозалар даражасида йўлга қўйилди. Қамчиқ довони орқали ўтган Тошкент-Қўқон автомобиль йўли, довондаги қўшалоқ туннел, йўл атрофида бунёд этилаётган иншоотлар фикримизнинг далилидир.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасига бир назар ташланг-а. Четдан келган меҳмонларгина эмас, балки кўча-кўйга камроқ чиқадиган ҳамюртларимиз ҳам ўн йил ичида рўй берган ўзгаришларни кўриб, ўз шаҳри, қишлоғини таний олмаслиги мумкин. Пойтахтимиз Тошкентни, вилоятлар марказларини, қишлоқларимизни қаранг, баҳри-дилингиз очилади, кўчалар равон, бири биридан чиройли янги ва таъмирланган бинолар кўзни қамаштиради.

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ишлар қадриятларимизни тиклашдан бошланди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, асрлар мобайнида бизга номаълум бўлган ўнлаб, юзлаб алломаларимиз, динимиз, бой маданиятимиздан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлдик. Биргина жаҳон илм-фани, маданиятининг камол топишига катта ҳисса қўшган имом ал-Бухорий, Нақшбанд, Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, ат-Термизий каби алломалар меросидан баҳраманд бўлиш, аждодларимиз орасида ана шундай буюк алломалар борлигидан фахрланиш ҳам насиб этганини таъкидлашнинг ўзи кифоя.

Ҳа, Мустақиллик шарофати билан рўй бераётган улуғвор ишларимизни бирма-бир тилга олишнинг иложи бўлмаганидек, келажаги буюк мамлакатнинг пойдевори йил сайингина эмас, ой, кун, соатлар сайин мустаҳкамланаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Шундай экан, шу юртнинг фуқаросиман, шу элнинг фарзандиман, деган ҳар биримиз Ўзбекистонимизнинг пойдеворини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳиссамизни қўшсаккина, тинч-фаровон юртимизни асраб-авайласаккина, жонажон Ватанимиз Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз ва бошқа кўҳна шаҳарларимиздек, жаҳон аҳлини лол қолдириб турган салобатли биноларимиздек абадий умр кўриши шаксубҳасиздир.

**Жўра УМАРҚУЛОВ.**

**Кеча «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика қўшиқ байрами танловининг якуний босқичи қатнашчилари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бастакорлар, шоиру хонандалардан иборат нуфузли ҳайъат аъзолари икки қўшиқни — Сиёб тумани маданият уйи хонандаси Бахтиёр Абдуллаев ижро этган «Офарин, ўзбек» ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети бадиий-мусиқий жамоасининг «Баркамол авлод қўшиғи»ни биринчи ўринга лойиқ кўрди.**

O'ZBEKISTON - VATANIM MANIM · QO'SHIQ · 2001 · BAYRAMI

# Қўшиқ байрами янги номларни кашф этди

— Ғолиблик насиб қилишини ўйламагандим, лекин очиғи интилгандим, — дейди Б. Абдуллаев. — Шоира Хосият Бобомуродованинг шеърларини илк бор ўқиганимдаёқ унга куй басталагим келди. Шу асно янги қўшиқ яралди. Ватан ҳақида, юрт ҳақида куй яратган, қўшиқ ижро этган ижодкор кам бўлмас экан. Буни шу дамда ҳис этиб турибман.

Танловда иккинчи ўрин Сирдарё вилояти ИИБ ходими А. Холиқов, Олмалиқ маданият уйи иштирокчиси Д. Исмияминова, Тошкент Давлат санъат институти театр студияси хонандаси Г. Хуррамоваларга насиб этди. К. Раҳматов (Мудофаа вазирлиги), З. Ҳайдарова (Сурхондарё), Н. Аҳмедов (Бухоро)лар учинчи ўринга лойиқ топилди. Бундан ташқари, рағбатлантирувчи ўрин эгаларига ҳамда беш нафар иштирокчига танловнинг махсус ёрлиқлари топширилди.

— Назаримизда, бу галги танлов аввалгиларидан кўп жиҳатдан фарқ қилди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, бастакор, ҳайъат аъзоси Н. Норхўжаев. — Муҳокамада қўшиқларнинг шеъри, мусиқаси ва ижроси алоҳида-алоҳида баҳоланди. Биз шу икки кун ичида Ватан, юрт, Истиқлол ҳақида куйлаган янги номларни, янги қўшиқларни кашф этгандай бўлдик. Аслида танловни ўтказишдан асосий мақсад ҳам шу эди.

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Санъатимиз фидойилари

# ҚЎНҒИРОҚ

## Чанқовузчи созанда Жума Абрайқулов билан учрашув

Қумқўрғоннинг Кўчарсой қишлоғидан Жума Абрайқулов шу йил бошида Алмати шаҳрига борди. «Агахон» фонди уюштирган «Кўчманчи халқлар санъати» илмий-амалий анжуманида иштирок этди. Чанқовуз чалди. Алмати консерваторияси 2-курс талабаси Газиза Алиева Абрайқуловнинг ён дафтарига дастхат ёзди: «Жума оғанинг чанқовузда чалган куйларини эшитса, поёнсиз қир-адирлар тенгсалиб бошлар. Музлаб ётган қояларнинг сўқир кўзларидан сел-сел бўлиб ёшлар тошар. Қушлар лолу ҳайрон бўлиб қотар. Жума оғанинг чанқовузини эшитган киши Одам алайҳиссалламни кўргандай бўлар... Жума оға шаҳримизда қолсалару чанқовуздан бизга сабоқ берсалар...»

Бўйнига етти чанқовузни қатор қилиб осиб олган, тишлари бус-бутун (тиши кемтик одам чанқовуз чалолмайди) Эдил Кусетов деган йигит Жума шоир билан икки кун сен зўрми-мен зўрми деб баҳслашди. Охири унинг етти чанқовузи ҳам чарчаб қолгандай бўлди. Жума шоирнинг бойсунлик уста Самад ясаб берган чанқовузи бўлса гов-говлаб янграб тураверди. Эдил мард экан. 62 яшар рақибини бағрига босиб, уни ғалаба билан муборакбод қилди.

Хакасиялик Анна Черткова Жума шоирнинг ижросидаги «Ҳилилиёр», «Қилпиллама», «Дилбаржон», «Тоғлар ошиб, туман тошиб» деган нағмаларини катта тароналар деб атади. Ва умуман, Абрайқуловнинг чалган чанқовуз нағмаларини нотага солса бўлади, деди, Абрайқуловни тасмага ёзиб олди. Юртдошларим бу ноёб тароналарни радиодан эшитиб, ҳузур қиладиган бўлдилар. Биз томонларга, Жума оға, албатта, боринг. Хўп, десангиз, ҳозир олиб кетайин, деб мулозамат қилди.

Жума шоир сафардан мингта дўст орттириб қайтди. Ўзининг борлигини, зўрлигини намойиш қилиб қайтди. Ўша мингта дўстнинг ҳар қайсиси ўзининг болаларча соддалигини, бағрикенглигини, чанқовуз ҳақида минг ривоят, минг ҳикоят сўзлаш салоҳиятини, «Онажоним-Ўзбекистоним, Гуллаб яшнар боғу бўстоним», деб ғазаллар ўқишини кўриб, неча минг ўзбек билан кўришгандай, танишгандай, тутингандай бўлдилар. Абрайқуловнинг чанқовузи гапира олиши, қўшиқ айта билиши, юм-юм йиғлаши, булбулдай сайраши, туёқларидан ўт чақнаган бедовлардай дукурлаши, шошқалоқ дарё тўлқинларидай шовуллаб оқишини кўриб, қирғизистонлик бир қўбизчи «Жума шайир чанқовуз чалаётгани жўқ. Жума шайир, қаранглар, ўзининг журагини қўлларига олиб чалажатир», деб таъриф берди.

* * *

Жума шоир билан бу гал қумқўрғонлик бахши Йўлдош Сувоновнинг устахонасида (бахши телевизор созловчи бўлиб ишлайди) учрашиб қолдик. Йўлдошбой бахшилигига бориб, Алпомишдан гап очди:

— Ай, шундай қилиб, Қипчоқ элида Тойчахон деган подшо эди. Тойчахоннинг эрка қизи Товка ойимнинг қўйларини Қайқубод кал деган чўпон боқар эди: —

*Бошида бир туки жўқ,*
*Соқоли ғуж, оқи жўқ.*

Тонг палласи ухлаб қолди Қайқубод. Саркаш серка қўзғолиб қолди шу заҳот. Серка сакраб оёғи чоҳга тойди. Чоҳда ётган Алпомиш унинг гўштига тўйди. Серканинг қовурғасидан Алпомиш чанқовуз ясади. Шу чанқовуз билан бир нағма чалишни истади. Серкаси йўқолганидан хаёллари паришон Қайқубод чоҳ бошига келиб, чалган нағманг юракларимни эзиб юборди-ку, кимсан ўзинг, насл-насабингни айтгин, деб Алпомишни кўп қистади.

Алпомиш Қайқубодга қаратиб чанқовузни отган эди, Қайқубод чанқовузни бозорга элтиб чалиб турган эди, у чалган нағмани Товка ойим эшитиб қолган эди, Товка ойим, шу созни ясаганнинг бир умрлик қурбони бўлайин-а деб, Алпомишга ғойибона ошиғу маъшуқ бўлиб қолди. Чоҳда ётган ўша устанинг ҳузурига олиб бормасанг, ўлган куним ўша кун, деб Қайқубод кални ҳоли жонига қўймади.

Ана шундай, Жума шоир, сиз Алпомишдан қолган созни — чанқовузни яна қайта давраларга олиб кирдингиз. Чанқовузни не-не сулувлар, не-не баҳодирлар чалиб ўтмади. Лекин, Жума шоир, мен ҳам бир мухлис бўлиб, катта-катта давраларни кўриб, чанқовузни сиздан ўтиб чалган одамни учратмадим. Бандасига дўмбира не даркор, рубоб не даркору чанқовуз не даркор, дейди айрим ғофил акаларим. Йўқ, Мусиқа — саодат. Мусиқа — ишқ. Ишқнинг асли исми — ҳаёт (Эҳтимол, акси, ҳаётнинг исми ишқдир).

Сиз, Жума шоир, ишқнинг, ҳаётнинг, шу беш кунлик дунёнинг қўнғироқларидан биттасисиз. Сочлари сийраклашиб оқариб қолган бўлсаям жаранглаб, ёниб турган, бир авжи тошганидан сўнг сўник-сўник юракларни ҳам говиллатиб ёндириб юбора оладиган қўнғироқ.

Сиз, Жума шоир, ҳа, энди мен нафақага чиқиб қолган бир қишлақи малим бўлсам, деб зинҳор ерга қараманг. Эл орасига кўпроқ чиқинг. Ҳар куни чиқинг. Дам бу дамдир, ўзга дамни дам дема, деган гап беҳудага қўшиққа солинмаган ахир. Бир куйлар чалингки, ўнгу сўлингиз мусиқага айланиб кетсин. Бутун борлиқ мусиқа бўлиб оқсин. Жамики ёмон гаплар ўзининг ғирт ёлғонлигини англаб, аҳволи танг бўлиб, ўт бўлиб ёнсин. Бу дунёда, мен сизга айтсам, ёлғонларни, ёвузликларни фақат мусиқа ёндира олади. Бу менгача айтилган гап бўлсаям, такрорлаяпман-да.

* * *

Жума шоирни сиз кўп кўрмагансиз-да. Фақиргина одам. Ким нима гап айтса, ишониб кетаверадиган одам. Фалончи тўй қилаётган эмиш, шоир ака, юринг, бориб бир чанқовуз чалиб беринг, деса, унга эргашиб кетаверадиган одам. Айни замонда яхши-ёмон гапни дарҳол фаҳмлайдиган зукко, ҳушёр одам.

Йўлдош бахшининг таърифларидан Жума шоирнинг пешоналари терлаб кетди. Босиб-босиб чой ҳўплади. Терларини бир сидириб ташлади-да, попукли шойи даструмолига ўроғлик чанқовузини қўлига олди. Товка ойим шўрликнинг Алпомишнинг ишқида куйиб-ёнганларини чанқовузга солиб, куйлай бошлади.

Ана ўшанда мен Товканинг армонлари осмонларга, осмонлар Товка ойимнинг армонларига айлана бошлаганини ўз кўзим билан кўргандай бўлдим. Чанқовузнинг, куйининг, санъатнинг сеҳри-жозибаси нимада ўзи, деб сўрамоқ учун мен Жума шоирнинг кўзларига қарайман. Унинг қўлидаги чанқовузи не-не оламлардан қўнғироқ бўлиб жаранглайди, жаранглайверади...

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Янги ғазаллар

## ЗОР ҚИЛМАҒИЛ

*Эй санам, бундоқ мани*
*васлинг аро зор қилмағил,*
*Бемурувватлиқ билан*
*ҳажринг аро хор қилмағил.*
*Кеча-кундуз оҳ чекиб,*
*қилгум висолингдан умид,*
*Ошиғингдан бир хабар*
*олмоққа сен ор қилмағил.*

*Сен юрар йўллардаги*
*унган гиёҳ бўлсам эдим,*
*Манглайингда порлаган*
*холдек сиёҳ бўлсам эдим,*
*Чарху каж этса карим,*
*ойдек юзинг қилса насиб,*
*Чимрилиб дунёю дунни*
*биз учун тор қилмағил.*

*Бир жаҳаннам ичрадурман*
*не бало қилмоқчисан,*
*Айт, ками борми яна*
*минг бир азоб бермоқчисан.*
*Ўткиро, йиғла худога*
*бевафодан арз этиб*
*Ёр қадрин билмаганни*
*мен учун ёр қилмағил.*

## ҲАМДАМ ДЕМА

*Баъзи одамнинг иши шайтон-лаиннинг қилмиши,*
*Минг синовдан ўтмаса, ким бўлса ҳам маҳрам дема.*

*Шоду хуррамлик дамингда дўсту ёр бисёр эрур,*
*Оқса ёшинг, йиғламас бўлса ани ҳамдам дема.*

*Чин кишилар қалбида чин одамийлик туйғуси*
*Қошу кўз, чеҳра тобон бўлган билан одам дема.*

*Юрт агар қайғу аламда бўлса, мард қалқон бўлур*
*Эл ғамин билмас киши эл ичра ҳеч илдам дема.*

*Ўткиро, куйла умрбод кўнгли пок инсонни сен*
*Одамийликдан йироқ эрса, халқим, мендан дема.*

**Ўткир ЖЎРАЕВ.**




# «ТЕАТР»НИНГ БАЙРАМОЛДИ СОНИ

«Театр» журналининг янги — 4-сони республикамиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган бош мақола билан бошланади. Мақолада миллий мафкурани шакллантиришда драматурглар, режиссёрлар ва ҳар бир санъаткорнинг янгича фикрлаши, давр руҳини янгича идрок этиши масаласи, шунингдек, давримиз қаҳрамони, истиқлолимизнинг қаҳрамонлари кимлар бўлиши хусусида фикр юритилади.

Журнал саҳифасидан Самарқандда ўтказиладиган III Халқаро «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалига бағишланган мақолалар, ранг-баранг фотосуратлар ўрин олган.

Шу йилнинг май ойида Андижонда II республика анъанавий театр фестивали бўлиб ўтганди. Унда Қирғизистоннинг Ўш, Қозоғистоннинг Чимкент ва Жеттисой драма театрлари ҳам меҳмон сифатида ўзларининг спектакллари билан қатнашдилар. М. Тўлахўжаева, Т. Баяндиев ва Э. Ўриновларнинг фестивалга бағишланган мақолалари, суҳбатларига ҳам журналда кенг ўрин берилган.

Севимли шоиримиз ва драматург Эркин Воҳидов ҳақидаги «Шоирнинг эълон қилинмаган драмаси» мақоласи, муаллифнинг «Иккинчи тумор» трагикомедиясидан берилган парча журналхонларимизни мафтун этади, деган умиддамиз.

Таниқли санъаткор Наби Раҳимов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган Э. Мухторовнинг «Отеллони довдиратган Яго» асари, Мақсуд Қориевнинг ўзбек қўшиқчилиги, опера санъатини оламга таратган Саодат Қобулова ҳақидаги «Унинг ўзи бир қўшиқ» мақоласи, С. Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театри ҳақидаги лавҳалар, Матлуба Темур қизининг «Пардозчи бўламан деб ўйламаганман», Ҳ. Аҳмедованинг «Макр ва муҳаббат», Н. Фиолетованинг Санкт-Петербургдаги «Болтиқ уйи» театр маркази томонидан ўтказилган «Россиядаги учрашувлар» Халқаро фестивали ҳақида «Лайлакқор ва меҳр қуёши» мақолалари, дам олиш саҳифасида берилган ҳангомалар, бошқотирмалар журнал мухлисларида катта қизиқиш уйғотса, ажабмас.

**Раҳим ОРИПОВ,**
**«Театр» журнали бош муҳаррири.**



*«Анор» ашула ва рақс дастасининг довруғи нафақат Қувада, балки хорижий мамлакатларда ҳам машҳур. Қарийб ўттиз олти йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган ушбу даста, айни пайтда мустақиллигимизнинг ўн йиллиги тантаналарига ҳозирлик кўрмоқда.*

*СУРАТДА: туман ҳокимлиги маданият ишлари бўлими мудири Ҳусанбой Қўчқоров санъаткорлар билан.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Ракетка тутган раҳбарлар



Бугун Нукусда Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси совринини учун шаҳар ва туман ҳокимлари, вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари ўртасида теннис турнири очилади. Турнир арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Теннис федерациясининг таъсис қурултойи ўтказилди. Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари, иқтисодиёт ва статистика вазири Қўнғиротбой Дошумбаев мазкур федерация президенти этиб сайланди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


БОЛАЛАР — НУРЛИ КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ПАХТА БАНК»

**«Оналар ва болалар йили» муносабати билан 2001 йилнинг 1 июнидан эътиборан 14 ёшгача бўлган болаларга очилиб, 5 йил муддат давомида амал қиладиган янги — «БОЛАЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ» жамғарма омонатига пул маблағларини жалб этишни давом эттиради.**

***Ушбу омонатнинг миқдори ва жойлаштириш муддатига мутаносиб равишда йиллик 38 дан 50 фоизга қадар даромад тўланади.***

***Сиз омонатга пулингизни «Пахта банк»нинг исталган бўлимида қўйишингиз ҳамда улар бўйича ҳар 3 ойда фоизли даромадларни олиб туришингиз мумкин.***

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ ЁРУҒ ВА ФАРОВОН БЎЛСИН!

Тўлиқ маълумот олиш учун «Пахта банк»нинг исталган бўлимига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин:
173-25-56, 78-10-32.

«ПАХТА БАНК»
ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

4594



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

2002 йилга аспирантура ва докторантурага ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги (кундузги) аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича:

**12.00.01.** — Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи; — 2 ўрин.
**12.00.02.** — Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви; маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ; — 2 ўрин.
**12.00.03.** — Фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ; — 2 ўрин.
**12.00.06.** — Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи; экологик ҳуқуқ; — 2 ўрин.
**12.00.08.** — Жиноят ва жазо ҳуқуқи; криминалогия; ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи; — 2 ўрин.
**12.00.09.** — Жиноят жараёни; криминалистика ва тезкор-қидирув ҳуқуқи; суд экспертизаси; — 2 ўрин.

Докторантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича:

**12.00.01** — Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи; — 1 ўрин.
**12.00.03.** — Фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ; — 1 ўрин.

Ҳужжатлар 2001 йил 3 сентябрдан 2001 йил 28 сентябргача қабул қилинади.

Ҳужжат топширувчилар танлаган мутахассисликлари бўйича 20 тадан кам бўлмаган ҳажмда реферат топширишлари лозим.

Кириш имтиҳонлари танлаган мутахассисликлари, Ўзбекистон тарихи, фалсафа, чет тили (инглиз, немис ёки француз)дан иборат бўлади.

**Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
**Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35.**
**Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш бўлими.**

**Телефонлар: 132-06-02, 133-45-69.**

4641


«Ўзмевасабзавотимпэкс» очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси жамият директори М. С. Ураловга онаси

**ТОЗАГУЛ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2715, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 22.45*
1 2 3 4 5 6